

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ ЖАҲОНГИР ОРИПОВИЧ**

**КЎЗ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сафаров Жаҳонгир Орипович**

Кўз алергик касалликларининг клиник–иммунологик

хусусиятлари ва уларни даволаш ..... 3

**Сафаров Жаҳонгир Орипович**

Клинико–иммунологические особенности аллергических заболеваний глаз и

их лечение ..... 23

**Safarov Jakhongir Oripovich**

Clinical and immunological features and treatment of

allergic eye diseases ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САФАРОВ ЖАҲОНГИР ОРИПОВИЧ**

**КЎЗ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Tib1791 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар**

**Нуралиев Некқадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Миррахимова Саидахон Шухратовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар**

**Камалов Зайнитдин Сайфутдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бузруков Батир Тулкунович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**В.И.Вернадский номидаги Қрим федерал университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «16» сентябр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118 Бухоро шаҳри, А.Навоний кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50; Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 044-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоний кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» август кuni тарқатилди.  
(2021 йил «30» август даги 044-рақамли реєстр баённомаси).



**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н.Ачилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**Б.З.Ҳамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда кўзнинг аллергия касалликлари ўнта энг кўп тарқалган касалликлар қаторига киради. Ҳар йили ер шарининг «...35% аҳолиси турли хил аллергия касалликларнинг клиник кўринишлари билан тиббий ёрдамга мурожаат қилади. Охирги ўн йилликда астма, поллиноз ва аллергодерматоз касалликларининг юқори кўрсаткичларда ортиб бораётганлиги аниқланди»<sup>1</sup>. Аллергия касалликлари билан касалланиш аҳоли орасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг ижтимоий фаоллик чекланишига олиб келувчи сабаблар орасида учинчи ўринни эгаллайди. Турли минтақаларда ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, аллергия касалликларнинг тарқалганлиги 3,3% дан 35% гача ва ўртача 16,5% ни ташкил этади. Аллергия касалликлари ҳосил бўлишида организмнинг реактивлиги, шунингдек аҳолининг баъзи қатламлари атроф-муҳит, турли маиший ва касбий зарарларнинг таъсирига конституцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида поллиноз билан касалланганлар сони умумий аҳолининг 1,6 дан 24% гача қисмини ташкил этади. Поллиноз билан касалланиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу патология билан касалланиш ортиб боришининг асосий сабабларидан бири инсоннинг организм реактивлигини ўзгартирувчи ҳаёт тарзи ҳисобланади. Бунга одатда нафақат ўсимликларнинг чанги, балки атроф-муҳитнинг омиллари, ҳавода аллергенларнинг юқори концентрацияси, атроф-муҳитнинг поллютантлар билан ифлосланиши, вирус инфекциялари киритилади. Аллергия касалликлари поллинозлар кўринишида кечади. Аллергия касалликлари дори-дармонсиз даволаш усуллари аллергия реакциянинг сабаби ҳисобланган аллерген ва кўзғатувчи омилларни элиминациясига йўналтирилган чора-тадбирлар, клиник амалиётга жорий этиш касаллиқнинг оқибатларини яхшилаш учун энг долзарб йўл ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида аллергия кўз касаллиқларини эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, шу ўринда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон

<sup>1</sup> Егоров А.Е., Захарова М.А. Лечение пациента с аллергическим конъюнктивитом: рекомендации офтальмологу амбулаторного звена. // Офтальмология. 2017. – №2 – С.111-114.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

«Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлар таҳлили кўзнинг аллергик шикастланишларини даволаш муаммоси дунё бўйича тиббиётнинг жиддий муаммоларидан бири бўлиб қолаётганлигини кўрсатади. Аллергик касалликлар замоннинг муҳим тиббий-ижтимоий муаммосини ташкил қилади, охириги йигирма йилликда аллергик касалликлар даражаси асосан иқтисодий ривожланган ҳамда нохуш экологик вазиятлар кузатиладиган давлатларда сезиларли ўсди. Айрим олимлар башоратига кўра, XXI аср аллергик касалликлар асри бўлади (Майчук Ю.Ф. 2010; Майчук Д.Ю. 2012; Marwan Abdulaal ва ҳаммуал. 2015). Замонавий шароитда инсоннинг атроф-муҳит билан фаол ўзаро муносабати унинг сезиларли ўзгаришига ва мураккаблашишига олиб келади. Табиий ва ижтимоий омиллар йиғиндиси аҳоли саломатлиги ҳақида маълумот берувчи янги сифатларни келтириб чиқаради. Доимо инсон патологиясининг характери, динамикаси ва тузилишининг ўзгариши қанчалик географик, иқлимий, табиат-ўчоқли хусусиятларни қайд қилса, атроф-муҳитни ундай ёки бундай тарзда ифлосланишини чақирувчи шунчалик долзарб техноген ҳосилаларни ҳам ҳисобга олади (Варлашкина Л.П., Довгалюк С.М. 2010).

Кромоглицирин кислотаси бронхиал астманинг енгил шакли, аллергик ринит ва конъюнктивит/кератоконъюнктивитнинг кучайишини тўхтатиш мақсадида ишлатилади. Препарат йўғон хужайра мембраналарини турғунлаштиради, дегрануляция ва улардан гистамин, брадикинин, лейкотриен, простагландин ҳамда бошқа фаол моддаларнинг ажралишини тормозлайди, яллиғланиш медиаторлари учун хос бўлган рецепторларни блоклайди. Таркибида Кромоглицирин кислотаси бўлган дори воситалари касалликнинг енгил шакллари даволаш учун ишлаб чиқилган бўлиб, хавфсиз ва ножўя таъсирларга эга бўлмаган восита ҳисобланади. Бу препаратлар етарлича яхши сўрилади ва базис терапия сифатида симптоматика тўхтатилганидан кейин узоқ вақт фойдаланиш мумкин (Майчук Ю.Ф. 2013; Белоусова Т.А. ва ҳаммуал. 2015; Тулупов Д.А., Карпова Е.П., 2015). Аллергик конъюнктивитнинг асосий клиник намоён бўлиш сабабларидан бири кўз ёши пайдо бўлишининг бузилиши, унинг ёш гиперсекреция тури ёки унинг гипосекрецияси ҳисобланади. Кўз ёши пайдо бўлишининг бузилиш патогенезида тўқима шиши конъюнктива безига локал таъсири муҳим аҳамият касб этади, у аллергик реакция билан кузатилади

(Майчук Д.Ю., Чилингарян Л.Б., 2012; Забегайло А.О. ва ҳаммуаллифлар 2013; Nebbioso M. 2016). Сунъий кўз ёши ўрнини босувчи дори воситалари сувли суюқлик бўлиб, ёш ҳосил бўлиши етарли бўлмаганида компенсация қилиш учун ёки тортувчи кўз ёши бўлмаганида тўлдирувчи компонентлар сифатида поллиноз кератоконъюнктивитни даволашнинг барча босқичларида қўлланади. Бундай дори воситаларини қўллаш паллиатив чора ҳисобланади (Fogt J.S. ва ҳаммуал. 2016).

Фармацевтика бозорининг доимий ўзгариши, янги дори-дармонларнинг пайдо бўлиши аллергия конъюнктивит билан касалланган беморларга дори воситалари билан ёрдам кўрсатиш сифатининг ошишига сабаб бўлади. Фармакотерапевтик ёндашувларнинг ривожланиши, янгиланиши ҳамда фармацевтика бозорида маҳаллий аллергияга қарши ва кўз ёши ўрнини босувчи дори воситаларининг йўқлиги кўз аллергия касалликларини даволашда «самарадорлик/хавфсизлик/қиймат» тушунчаларининг мақбул ўзаро муносабати билан дори воситаларини танлаш ҳамда қайта ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги кунда кўзнинг турли касалликларини ташхислаш ва самарали даволашнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ишлар амалга оширилган (Камилов Х.М. ва ҳаммуал. 2003; Билалов Э.Н., Баҳритдинова Ф.А., 2010), аммо кўз аллергия касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларнинг самарали даволашга бағишланган ишлар амалга оширилмаган. Шундай қилиб, беморларни юқори самарадорликка эга, хавфсиз ва етарли антигистамин дори воситалари билан таъминлаш учун ҳудуд аҳолиси умумий касалланиш қонуниятлари, кўз аллергия касалликларининг тарқалиш динамикаси ва унинг кечиш оғирлиги, шунингдек беморларнинг ижтимоий-демографик тавсифи таҳлил қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Бухоро давлат тиббиёт институтининг (02.2019.PhD.045-сон) илмий тадқиқот режаси «Бухоро минтақасининг иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патологик ва патология олди ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиха доирасида олиб борилган (2017-2021 й).

**Тадқиқотнинг мақсади** организм иммун тизими кўрсаткичлари билан касалликнинг клиник намоён бўлишига боғлиқлигини баҳолаш асосида поллиноз этиологияли кўз аллергия касалликларини даволашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўз аллергия касалликларининг клиник намоён бўлиш хусусиятлари ва уларнинг касаллик ривожланишида аллергия омиллар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

кўз аллергия ташхисланган беморларда иммун тизими кўрсаткичларини ва касалликнинг клиник намоён бўлиши билан боғлиқлигини аниқлаш;

офтальмоаллергозларни даволашда янги маҳаллий кромовиз дори воситасининг хавфсизлиги ва клиник–иммунологик самарадорлигини баҳолаш;

офтальмоаллергоз ташхисланган беморларда кўз ёши комплексининг мавжудлигини ва иккиламчи куруқ кўз синдромида кўз ёши ўрнини босувчиларининг самарадорлигини баҳолаш;

кўз ёши комплекси ҳолати ва иммунологик томонларни ҳисобга олган ҳолда кўз аллергия касалликлари ташхисланган беморларни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2014 йилдан 2019 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий аллергиялогия маркази ва Бухоро вилояти офтальмология шифохонаси рўйхатида қайд қилинган, турли этиологияли кўз аллергия касалликлари аниқланган 112 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ўсимлик чанги чақирган аллергия конъюнктивитнинг турли шакллари ташхисланган беморлар ҳисобланган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда визометрия, ён томон ёритилиши, биомикроскопия, офтальмоскопия, шунингдек, иммуноглобулин ва интерлейкинларни баҳолаш билан кўз ёш суюқлиги ҳамда қонни иммунологик текширишдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

аллергия кўз касалликларининг клиник намоён бўлиш хусусиятлари ва уларни ҳудудларда касаллик ривожланиши учун сабаб ва аллергия хавф омиллари билан боғлиқлигини асослашдан иборат;

аллергия кўз касалликларининг клиник кўринишлари билан кўз ёши суюқлиги ва қоннинг иммунологик кўрсаткичлари ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги ўрганилган ва илмий жиҳатдан исботланган;

поллиноз конъюнктивит ташхисланган беморларда кўз ёши комплекси ҳолатини стандарт, шу жумладан визуал усуллар асосида баҳолаш касалликнинг кечиши кўз ёши пленкаси стабиллигининг бузилиши билан асоратланади;

кўз ёши комплекси ҳолатини сунъий кўз ёши дори воситаси ва янги маҳаллий кромовиз воситасини қўшиш билан кўзнинг аллергия касалликларини баҳолаш касалликнинг объектив клиник намоён бўлиш динамикаси асосида ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

клиник–иммунологик тадқиқот натижалари касалликнинг кечиш оғирлигини ва кўз аллергия касалликлари аниқланган беморларда адекват баҳолаш тавсия қилинган;

янги маҳаллий кромовиз дори воситасининг хавфсизлиги ва самарадорлиги баҳоланган;

кўз аллергия касалликларини даволашда, амалий соғлиқни сақлаш ҳаражатларини режалаштиришда тадқиқотдан олинган натижалардан фойдаланиш тавсия этилган;



дори воситаларини кўшиш аллергия жараёни тезроқ бартараф этилиши билан клиник самарадорлиги исботланган;

бемор кўз ёши суюқлиги ва қонида иммунологик текширувнинг юқори аҳамиятлилиги клиник баҳоланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, иммунологик, функционал ва статистик усуллар ёрдамида кўз аллергия касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларни даволашни такомиллаштириш шунингдек, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иммунология ва офтальмологияда кейинчалик илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим ҳисса қўшадиган клиник – иммунологик тадқиқотлардан олинган натижалар, касаллик оғирлигини баҳолаш ҳамда ўзига хос даволашга сабаб бўлувчи бемор кўз ёши суюқлиги ва қонида иммунологик текширувнинг юқори аҳамиятлилигини, касалликнинг кечиши кўз ёш плёнкаси барқарорлигининг бузилишини қийинлаштириши, унга кўз ёши ўрнини босувчи дори воситаларини кўшиш полиноз конъюнктивитни анъанавий усуллар билан даволашга таққосланганда даволаш самарадорлигини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полиноз конъюнктивитни даволашда ишлаб чиқилган алгоритм касалликнинг кучайиш даврида дори воситалари Н<sub>1</sub> гистамин рецепторлари блокаторини босқичма-босқич қўллаш, кейин эса унга кўшимча тарзда кўз ёши ўрнини босувчи дори воситаларини кўшиш аллергия жараёни тезроқ бартараф қилишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўз аллергия касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўз аллергия касалликларни даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кўз аллергия касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 8н–д/24-сон маълумотномаси). Натижада кўз аллергия касалликларни эрта ташхислаш даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

аллергия конъюнктивит билан касалланган беморларда қуруқ кўз синдромига ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Аллергия конъюнктивитга эга беморларда қуруқ кўз синдромига ташхис қўйиш ва даволашни оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 8н–д/24-сон маълумотномаси). Натижада аллергия конъюнктивит билан хасталанган беморларда қуруқ кўз

синдромини эрта самарали ташхислаш ва касалликни комплекс даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

Кўз аллергия касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилоят офтальмология шифохонасида клиник амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 8н-з/б-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, қуруқ кўз синдроми билан биргаликда поллиноз конъюнктивитни даволашда тавсия қилинган алгоритм касалликнинг кучайиши бошланганда аллергияга қарши дори воситаларини босқичма-босқич қўллаш, кейинчалик унга кўз ёши ўрнини босувчи дори воситаларини қўшиш натижасида субъектив шикоятлар кучайишини 41,3%, объектив симптоматикани 43,4% га камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш учун диссертацияда олинган илмий натижалар қўлланилган ва тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та хорижий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шундан 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 1 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, ишнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Аллергоз патогенези ва аллергия конъюнктивитларнинг асосий клиник намоён бўлиши, ташхисоти ва даволаши ҳақида замонавий тасаввурлар**» адабиётлар шарҳи ёритилган бўлиб, унда кўз аллергия касаллиги муаммосининг замонавий ҳолати, аллергия конъюнктивитнинг этиологияси, патогенези ва даволаш, қуруқ кўз

синдроми ривожланишида аллергик конъюнктивитнинг таъсири, шунингдек аллергоз кечишида иммуноглобулин ҳамда цитокинлар таъсири ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Аллергозларни ташхислаш ва даволашнинг клиник материал ва усуллар**» 112 нафар бемор текширув материаллари келтирилган: уларнинг 60 нафари Ўзбекистон Республикаси Аллергология маркази базасида, Тошкент тиббиёт академияси Марказий илмий тадқиқот лабораторияси ва офтальмология кафедрасида, шунингдек 52 нафар беморлар Бухоро вилояти офтальмология шифохонасида шикоятлари жиддий текширилди, махсус ишлаб чиқилган текширув харитаси бўйича нохуш омиллар билан анамнестик маълумотлари ўрганилган.

Республика Аллергология маркази базасида барча беморлар касалликнинг ремиссия даврида аллергия сабабини аниқлаш мақсадида махсус аллергик намуна асосида текширувдан ўтказилган.

Кўз шиллик пардасининг аллергик яллиғланиши бурун, ҳалқум, бронхлар, кам ҳолатда тери қопламалари ва асаб тизими шикастланишида кузатилган. Шунга кўра, зарурат бўлганида беморлар лаборатор-инструментал усул, шунингдек, тор мутахассис шифокор маслаҳати билан рентгенологик текширувлардан ўтказилган.

Аллергик конъюнктивитни даволашда дори воситаси самарадорлигини аниқлаш учун аналогга мосликда аллергияга қарши Кромовиз (ООО «АСЕПТИСА» томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон) дори воситасининг ўтказувчанлиги ва самарадорлиги қиёсий баҳоланган. ТТА офтальмология кафедрасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида клиник офтальмологияда қўллашга Ўзбекистон Республикаси Фармакология кўмитаси томонидан рухсат олинган (№112/102ОС/108Уз2018/1145).

Кўз аллергик шикастланиши ташхиси қўйилгандан кейин беморлар олаётган офтальмологик даволанишига боғлиқликда иккита бир хил гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳ (56 нафар бемор) беморлари кўзига маҳаллий кромовиз дори воситаси бир кунда 2 томчидан 4 маҳал томизилди (Ўзбекистон ООО «АСЕПТИСА» да ишлаб чиқилган). Назорат гуруҳи (56 нафар бемор) беморлари кўзига Айкрол 4% эритмаси («World Medicine Ophthalmics», Великобритания) инстилляция турида томизилди (кунига 4 маҳал 2 томчидан). Ҳар иккала гуруҳ беморлари аллерголог томонидан буюрилган базали терапия қабул қилган.

Олиб борилган даволашдан 10 кун ўтгач, асосий гуруҳ беморлари иккита бир хил кичик гуруҳга 28 нафардан бўлинди. Асосий кичик гуруҳ беморларига назорат гуруҳидагилардан фарқли даволашга қўшимча кўз ёши ўрнини босувчи терапия белгиланди, унда офтальрон-П дори воситаси (курук кўз синдроми белгиларининг ифодаланиш даражасига боғлиқликда бир кунда 2-4 маҳал 2 томчидан) буюрилди. Даволаш жараёни 20 кун мобайнида олиб борилган.

«Тадқиқотда визометрия, ён томондан ёритиш, биомикроскопия, офтальмоскопия, мугузолди кўз ёши шиллик пардасининг барқарорлигини баҳолаш (Норн намунаси) ва ўртача кўз ёши маҳсулотларининг ҳолати

(Ширмер тести), мейбография (1-расм), шунингдек, иммуноглобулин ҳамда интерлейкинларни аниқлаш билан кўз ёши суюқлигини иммунологик текширишлардан фойдаланилди».



**1-расм. Мейбография автоматик рефрактокератометр HRK-9000A ёрдамида мейбография олиб бориш усуллари**

Диссертациянинг учинчи бобида “**Иммунологик тадқиқот методларининг натижалари**” аллергияли конъюнктивитда IgE ва IgA синф иммуноглобулинларни ўрганиш ва ИЛ-6 ва ТНФ- $\alpha$  цитокин ҳолатини баҳолаш натижалари келтирилган. Аллергияли конъюнктивитга эга 112 нафар беморда комплекс даволашдан олдин ва кейин кўз ёш суюқлиги ва қон зардобиди, ИЛ-6, ТНФ- $\alpha$  цитокинлари ва IgE ва IgA синф иммуноглобулинлар фаоллигининг ўрганилиши ўтказилган терапияга боғлиқ равишда уч кузатув гуруҳи шаклланишини ўз ичига олган.

Маҳаллий иммунитетда иштирок этувчи асосий иммуноглобулин турлари А (IgA) иммуноглобулиннинг зардоб ва секретор шакли ҳисобланишини эътиборга олиб, кўз аллергияли касалликларига эга беморларнинг кўз ёш суюқлиги ва қон зардобиди IgA ва IgE иммуноглобулинлар асл миқдори ўрганилган.

Намуналарда IgA ва IgE концентрацияси юқорида келтирилган формула бўйича икки ғовакда ўрта қийматларни олгандан сўнг калибрлаш графигига биноан аниқланган.

Кўриш аъзосининг аллергияли касалликлари билан оғриган беморларнинг кўз ёшида IgA ва IgE синф иммуноглобулинлар миқдорини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларининг таҳлили, барча кузатув гуруҳларида терапиядан кейин IgA концентрацияси даволашгача бўлган кўрсаткичлар билан таққослаганда 1,26 марта ишончли ошганлигини кўрсатди. Асосий «б» кичик гуруҳда асосий терапия 4% ли кромовиз кўз томчилари + офтальрон препаратидан кейин зардобда IgA миқдорининг энг юқори кўрсаткичлари аниқланганлигини айтиб ўтиш зарур, даволашдан олдин ва кейин мос равишда  $480,6 \pm 12,15$  ва  $653,2 \pm 17,40$  мг/мл даражада,  $P < 0,05$ .

**1-жадвал**

**Беморларнинг кўз ёш суюқлигида IgA ва IgE синф иммуноглобулинлар миқдорини ўрганиш натижалари**

Кузатув гуруҳлари	IgA концентрацияси, мг/мл		IgE концентрацияси, мг/мл	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Назорат гуруҳи	493,2±13,4	623,3±13,37	13,8±0,6	6,62±0,53*
2 асосий «а» кичик гуруҳ	480,6±12,146	614,5±17,70	13,8±0,62	6,0±0,62*
2 асосий «б» кичик гуруҳ	480,6±12,15	653,2±17,40	13,8±0,616	4,6±0,47*

Эслатма: \*– P<0,05

Бу аллерген жараёнга эрта ташхис қўйиш мезони сифатида sIgA нинг катта аҳамиятидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, кўз ёш суюқлигида sIgA концентрациясининг 653,2 мг/мл дан ортиқ кўпайишидан аллергик конъюнктивитга ташхис қўйишда кўшимча мезон сифатида фойдаланиш мумкин. Даволашдан кейин барча уч гуруҳда IgE миқдорининг шунга ўхшаш динамикада ортиши кузатилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари аллергик конъюнктивитда кўз ёш суюқлигида IgA ва IgE миқдорининг ортишига олиб келувчи конъюнктива ва кўшимча аппаратида қон ташувчи томирларининг ўтказувчанлиги сезиларли равишда ошишидан дарак берган.

Қиёсий жиҳатдан кўз аллергия касаллигига эга беморларнинг қон зардобида IgA ва IgE синф иммуноглобулинлар миқдори ўрганилган (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили барча кузатув гуруҳларида даволашдан олдин ва кейин IgA концентрацияси бир хил даражада сақланганлигини кўрсатган.

**2-жадвал**

**Беморларнинг қон зардобида IgA ва IgE синф иммуноглобулинлар миқдорини ўрганиш натижалари**

Кузатув гуруҳлари	IgA концентрацияси, мг/мл		IgE концентрацияси, мг/мл	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Назорат гуруҳи	3,8±0,1	4,2±0,1*	485,8±13,5	166,3±11*
2-асосий «а» кичик гуруҳ	4,10±0,1	4,4±0,12*	445,21±13,9	154,7±13,33*
2-асосий «б» кичик гуруҳ	4,10±0,1	4,8±0,14*	445,21±13,9	123,6±11,60*

Эслатма: \*– P<0,05

Бирок, қон зардобида кўз ёш суюқлигига қараганда IgA миқдори 100 ва ундан ортиқ марта камлигини айтиб ўтиш зарур. IgE миқдорининг динамикасида мутлақо қарама-қарши тенденция кузатилди: аллергик конъюнктивитга эга беморларнинг қон зардобида барча кузатув гуруҳларида IgE концентрацияси кўз ёши суюқлигидагидан юз марта юқори. IgE концентрацияси барча уч кузатув гуруҳида 2,9-3,6 марта ишончли паст.

Шундай қилиб, офтальрон препаратидан фойдаланиб ўтказилган комплекс терапия олган 2-асосий «б» кичик гуруҳ беморларида даволаш самарадорлигининг ижобий динамикаси кузатилган.

Кўзнинг аллергик касалликларига эга беморларнинг кўз ёш суюқлиги ва қон зардобида ўсимта некрози (ТНФ- $\alpha$ ) ва ИЛ-6 интерлейкин омилининг яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Маълумки, ТНФ- $\alpha$  ўчоқ шаклланганида нейтрофилларни жалб қилган ва яллиғланиш ҳосил бўлишини кучайтирган ҳолда, хемоаттрактант сифатида таъсир қилади. ТНФ инфекцияларда организмнинг ҳимоя реакцияси патогенезида иштирок этади. У интерферонлар билан бирга таъсир қилган ҳолда вируслар репликациясини заифлаштиради, бактериemia ва паразит инфекциясида тизимли яллиғланиш жавобида иштирок этади. Аммо кўриш аъзосининг аллергик касалликларида ТНФ- $\alpha$  нинг аҳамиятини ёритувчи тадқиқотлар кам.

Кўз аллергик касалликларига эга беморларни даволашдан олдин ва кейин кўз ёш суюқлигининг цитокин ҳолатини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Кўриш аъзоларининг аллергик касалликларига эга беморларнинг кўз ёш суюқлигида цитокин ҳолатининг динамикаси

Кузатув гуруҳлари	ТНФ- $\alpha$ даражаси, пкг/мл		ИЛ-6 даражаси, пкг/мл	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Назорат гуруҳи	4,8 $\pm$ 0,1	2,0 $\pm$ 0,12*	10,7 $\pm$ 0,4	7,5 $\pm$ 0,40*
2-асосий «а» кичик гуруҳ	5,0 $\pm$ 0,12	2,2 $\pm$ 0,15*	10,3 $\pm$ 0,37	6,9 $\pm$ 0,43*
2-асосий «б» кичик гуруҳ	5,0 $\pm$ 0,12	1,7 $\pm$ 0,16*	10,3 $\pm$ 0,37	6,6 $\pm$ 0,55*

Эслатма: \* – P<0,05

Олинган натижаларнинг таҳлили, даволашдан кейин кўз ёш суюқлигида ТНФ- $\alpha$  даражаси барча уч кузатув гуруҳларида 2 мартадан ортиқ ишончли пасайганлигини кўрсатган. Даволашдан кейин ИЛ-6 даражасининг пасайиш тенденцияси шунингдек беморларнинг барча уч гуруҳларида кузатилган (P<0,05).

ИЛ-6 яллиғлантирувчи цитокин–яллиғланиш, қон ҳосил қилиш, плазматик ҳужайралар секрецияси, ИЛ-1 ва ТНФ синтез ингибирланиш даражасини назорат қилади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ИЛ-6, одатий яллиғлантирувчи цитокин сифатида нейтрофилларни фаоллаштиради ва уларнинг функционал фаоллигини кучайтиради. Бошқа томондан, ИЛ-6 ИЛ-1 $\beta$

ва ТНФ- $\alpha$  ишлаб чиқилишини тўхтатади. ИЛ-6 нинг бу ўзига хос хусусияти яллиғланиш ривожланишида унинг икки хил ролини аниқлайди: таъсирига кўра оддий яллиғлантирувчи цитокин ҳисобланган ҳолда, у шунингдек бошқа яллиғлантирувчи цитокинлар ишлаб чиқилишини чеклаган ҳолда, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатган.

Қиёсий жиҳатдан кўз аллергик касалликларига эга беморларнинг қон зардобиди ТНФ- $\alpha$  ва ИЛ-6 яллиғлантирувчи цитокин миқдори ўрганилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Кўз аллергик касалликларига эга беморларнинг қон зардобиди ўсимта некрози омили ва ИЛ-6 интерлейкин даражаси

Кузатув гуруҳлари	ТНФ- $\alpha$ даражаси, пкг/мл		ИЛ-6 даражаси, пкг/мл	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Назорат гуруҳи	27,2 $\pm$ 1,0	10,7 $\pm$ 0,8*	45,7 $\pm$ 1,2	19,7 $\pm$ 0,9*
Асосий «а» кичик гуруҳ	27,58 $\pm$ 1,0	10,9 $\pm$ 1,14*	43,17 $\pm$ 1,3	20,3 $\pm$ 1,18*
Асосий «б» кичик гуруҳ	27,58 $\pm$ 1,0	6,9 $\pm$ 0,77*	43,17 $\pm$ 1,3	13,1 $\pm$ 1,62*

Эслатма: \* – P<0,05

Ўтказилган биокимёвий тадқиқотларнинг натижалари, даволашдан кейин асосий «а» кичик гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларининг қон зардобиди ТНФ- $\alpha$  даражаси 2,7 марта ишончли пасайганлигини кўрсатди. 2-асосий «б» кичик гуруҳида ТНФ- $\alpha$  даражасининг пасайиши кўз ёш ўрнини босувчи терапия билан бирга аллергик конъюнктивит даволаниш самарадорлигини тасдиқлаган.

4-жадвалда умумлаштирилган тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлили аллергияли конъюнктивитда ИЛ-6 интерлейкин, оддий яллиғлантирувчи цитокин сифатида нейтрофилларни фаоллаштиради ва уларнинг функционал фаоллигини кучайтиради деб таъкидлаш имконини берган. Бошқа томондан ИЛ-6 ТНФ- $\alpha$  ишлаб чиқилишини тўхтатади. ИЛ-6 нинг бу ўзига хос хусусияти унинг яллиғланиш ривожланишида икки томонлама ролини аниқлайди. Оддий яллиғлантирувчи цитокин таъсирини намоён қилган ҳолда, ИЛ-6 бошқа яллиғлантирувчи цитокинларнинг ишлаб чиқилишини чеклаб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, хусусан кузатилган барча уч гуруҳда ТНФ- $\alpha$  ишлаб чиқилишини деярли 1,8 марта туширган.

Шундай қилиб, иммунологик ҳолатнинг яхшиланиши барча уч гуруҳда кузатилади, лекин беморлар кўз ёш ўрнини босувчи терапия қўллаган асосий «б» кичик гуруҳ кўрсаткичлари аҳамиятлироқ ҳисобланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Кўз аллергик касалликларининг намоён бўлиши, кечишининг кўрсаткичлари**» скарификацион тест тадқиқот натижалари берилган, унда аллергик конъюнктивитнинг клиник кўриниши ҳавонинг максимал чангланиши даврида, шунингдек ўсимликлар гуллаш даврида (баҳор-куз) ифодаланади, бу эса касалликнинг далилий

сабаби ҳисобланади. Республика аллергология марказида касалликнинг ремиссия даврида олиб борилган аллергологик намуна натижаларига кўра, кўз аллергик касаллигининг асосий сабаби 46,4% беморда бегона ўтлардан, 29,5% (33 нафар беморда) аллергия сабаби чекка аллергенлар чангидан (бодом, чинор ва б.) бўлса, 24,1% ҳолатда полиаллергия кузатилган.

Аллергик конъюнктивит клиник намоён бўлишининг аллергозлар давомийлигига боғлиқлигини ўрганишдан кўринадикки, беморларда касаллик давомийлиги 6 ойдан 2 йилгача (52,7%) кузатилганда кўпинча аллергик шиш ва конъюнктивита гиперемияси аниқланади, касаллик 2 йилдан 3 йилгача давом этган беморларда блефароконъюнктивит кузатилган (16,1%). Касаллик 3 йилдан 5 йилгача давом этган беморларда (18,7%) асосан фолликуляр конъюнктивит, 5 йилдан ортиқ давом этган беморларда (12,5%) сўрғичли конъюнктивит аниқланган, бу эса берилган маълумотга тўғри келган.

Кўзнинг аллергик шикастланиш шаклларига боғлиқ беморлар шикоятларини ўрганиш натижалари кўзнинг қизариши асосан қовоқ шиши ва конъюнктивита гиперемияси аниқланган беморларда (64,6%) учрашини кўрсатган. Касалликнинг фолликуляр ва сўрғичсимон шакллари кузатилган беморлар бунга ўхшаш шикоятлар билан камроқ муурожаат қилишган (11,4% ва 11,8%). Конъюнктивитада шиш ва блефароконъюнктивит кузатилган беморлар учун (66,7%) кўзда қичишишдан шикоят қилиш характерли ҳисобланган, касалликнинг фолликуляр ва сўрғичли шаклларида улар кам учраган (3 ва 5,9%). Кўзда қумни ҳис қилиш конъюнктивита шиши ва блефароконъюнктивит кузатилган беморларга хос эмас (жами 1,1%), бироқ кўпроқ касалликнинг фолликуляр (11,4%) ва сўрғичли шаклларида (9,7%) кузатилган. Яна конъюнктивита аллергик шикастланишининг фолликуляр (8,6%) ва сўрғичли (11,8%) шакллари аниқланган беморлар ёруғликдан кўрқиш ва кўздан ёш оқиб туришидан шикоят қилиши аниқланган.

Олиб борилган тадқиқот аллергик конъюнктивит кузатилган ҳар иккала текширилаётган гуруҳ беморларида аллергик яллиғланишининг оғирлик индекси яллиғланиш жараёнининг ниҳоятда юқори даражаларига тўғри келган. Олинган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни айтиш мумкин: назорат гуруҳи беморларида яллиғланиш оғирлик индекси даволашнинг 3-куни 1,2 марта камайган ( $P < 0,05$ ). Кейинчалик даволашнинг 7-куни) яллиғланиш индекси аввалги муддатга нисбатан ишончли тарзда 3,3 марта пасайган ( $P < 0,01$ ), барча текширилаётган беморларда яллиғланишнинг енгил даражаси аниқланган. Тадқиқотнинг якуний муддатида 3 нафар беморда (5,3%) яллиғланишнинг енгил даражаси сақланиб қолган (5-жадвал).

Асосий гуруҳ беморларда яллиғланишнинг оғирлик индекси назорат гуруҳидагилар сингари даволашнинг 3-кунида 1,2 мартага пасайган ( $P \leq 0,05$ ). Кейинчалик (даволашнинг 7-кунида) яллиғланишнинг оғирлик индекси даволанишгача олинган маълумотларга нисбатан (3,2 марта) ишончли камайган ва оғирликнинг енгил даражасига мос келган ( $P \leq 0,01$ ). Даволашнинг охирида барча беморларда аллергик яллиғланиш симптомлари йўқолган ( $P \leq 0,001$ ), фақат 4 нафар (7,14%) беморда сезилмас аллергик симптомлар сақланиб қолган (5-жадвал).



## 5-жадвал

### Аллергик конъюнктивитларни даволашда яллиғланиш индексининг оғирлик динамикаси

Беморлар гуруҳи	Беморлар сони (кўзлар сони)	Яллиғланиш кечишининг оғирлиги, балларда			
		Даволаш динамикасида			
		бошлангунча	3-кун	7-кун	10-кун
Назорат	56(104)	17,8±0,44	13,8±0,21*	5,3±0,14**	1,8±0,14***
Асосий	56(104)	18,4±0,41	14,2±0,17*	5,6±0,22*	2,1±0,11***

Изоҳ: \*-даволашгача нисбий маълумотлар ишончли ( $P \leq 0,05$ );  
 \*\*-даволашгача нисбий маълумотлар ишончли ( $P \leq 0,01$ );  
 \*\*\*-даволашгача нисбий маълумотлар ишончли ( $P \leq 0,001$ );  
 назорат гуруҳида нисбий маълумотларнинг фарқи ишончсиздир ( $P \geq 0,05$ )

Юқорида берилган маълумотлар олиб борилган даволаш натижаларида аллергия конъюнктивитнинг клиник симптомлари эрта йўқолганини тасдиқлаган. Ҳар иккала гуруҳ беморларида тахминан таққословчи терапевтик самара аниқланган. Ҳар иккала текширилаётган гуруҳда қичишиш, ачишиш, ёт жисмни ҳис қилиш, кўз ёшининг доимий оқиши ва ёруғликдан қўрқиш каби клиник белгилар камайган, аллергия яллиғланиш оғирлигининг камайишига олиб келган, даволашнинг 5-6-кунлари конъюнктива гиперемияси ҳамда қовоқ шишининг камайиши билан намоён бўлган. Даволашнинг 4-5-кунлари ажралмаларнинг йўқолиши аниқланган, 6-7-кунлари фолликула, 8-9-кунлари конъюнктива сўрғичлари регрессияси кузатилган, натижада ғадур-будурлик йўқолган ва кўзда ёт жисмни ҳис қилиш камайган.

Даволашнинг 7-кунига келиб ижобий клиник динамика аниқланган. Ҳар иккала текширилаётган гуруҳда даволашнинг умумий давомийлиги 9-10 кунни ташкил қилди. Даволаш самарадорлиги асосий гуруҳда 95,9% ва назорат гуруҳида 97,6% дан иборат бўлган (6-жадвал).

## 6-жадвал

### Аллергик конъюнктивитлар билан хасталанган беморларда симптомларининг бартараф этиш орқали даволанган пациентларнинг даволаниш давомийлиги ва муддатлари ( $M \pm m$ ), кун

Клиник мезонлари	назорат, n=17	асосий, n=17
Шикоятлари	5,6±0,34	5,9±0,26
Гиперемия	6,2±0,24	6,7±0,18
Шиш	4,7±0,32	4,6±0,22
Қовоқлар қирралари торайиши	4,5±0,21	4,8±0,14
Ажратмалар	4,1±0,12	4,4±0,23
Фолликулаларнинг резорбцияси	7,2±0,11	7,5±0,14
Сўрғичлар резорбцияси	8,4±0,22	8,7±0,16
Даволаш давомийлиги	9,1±0,68	9,3±0,66

Изоҳ: Назорат гуруҳининг нисбий кўрсаткичлари нисбати ишончсиздир ( $P \geq 0,05$ )

Даволаш мобайнида маҳаллий дори воситаси кромовиз ҳеч қандай токсик таъсирга эга эмаслиги аниқланган. Дори воситасини узоқ вақт

қўллашда ножўя таъсир кузатилмаган. Ҳар иккала гуруҳда даволаш ўтказувчанлиги юқори баҳоланган.

Даволаш самарадорлиги ва дори воситаларининг нархи % / сўм формуласи бўйича таҳлил қилинган (14 кун).

Таъкидланишича, қўлланилган маҳаллий кромовиз дори воситаси айқрол препаратининг самарадорлигидан 1,6 марта арзон ва сифатлилиги билан кам эмаслилиги тасдиқланган.

Тадқиқот даволашнинг 10-куни охирида кромовиз дори воситаси кўзда қичишиш, гиперемия ва ачишиш, ипсимон шиллиқ ажралма чиқишининг тўлиқ йўқолганини, яллиғланишнинг интенсивлик даражаси “0” баллни ташкил қилишини кўрсатган. Бироқ текшириляётган беморларда кўзда ёт жисмни ҳис қилиш ва сезилмас даражада кўздан ёш оқиш сақланиб қолган. Тадқиқотнинг бу даврида беморларни сўровнома асосида ўрганиш беморлар ҳаёт сифатига таъсир қилувчи ҚКС нинг субъектив намоён бўлиши OSDI саволнома жавоблари бўйича касалликнинг ўртача оғир кечишига мос келгани ва ўртача  $24,17 \pm 8,55$  баллга тенг эканлигини кўрсатган.

Ҳар иккала гуруҳ беморлари кўзида ёт жисмни ҳис қилиш ва кўздан ёш оқиб туриш интенсивлиги ўртача  $2,3+0,14$  ва  $1,9+0,11$  ни ташкил қилган.

